

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА  
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.12/30.12.2019.Ped.80.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА  
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МЎМИНОВА НАРГИЗА САБИТДЖАНОВНА**

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ  
ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЧИ-ПЕДАГОГЛАРИНИНГ  
МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Мўминова Наргиза Сабитджановна**

Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-  
педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш..... 3

**Муминова Наргиза Сабитджановна**

Развитие медиакомпетентности воспитателей-педагогов дошкольной  
образовательной организации в процессе повышения квалификации ... 23

**Muminova Nargiza Sabitdjanovna**

Development of media competence of educators-teachers of preschool  
educational organizations in the process of professional development ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 46

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА  
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА  
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МЎМИНОВА НАРГИЗА САБИТДЖАНОВНА**

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ  
ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЧИ-ПЕДАГОГЛАРИНИНГ  
МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий Аттестация Комиссиясида В2021.3, PhD/Ped1725 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Мақтабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.mdomei.uz](http://www.mdomei.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуқазарова Наргиза Фатхуллаевна  
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оловентлар:

Мажидова Рўшно Уришевна  
филология фанлари доктори (DSc), профессор

Назирова Гузал Маликовна  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация эмиояси Мақтабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузурдаги илмий даражалар берувчи PhD 13/30 12.2019 Ped 80 01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «9» март соат даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Яққасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 207-04-08, факс: (99871) 150-01-27, e-mail: [info@mdomei.uz](mailto:info@mdomei.uz))

Диссертация билан Мақтабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида таншиши мумкин (21 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Яққасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27, факс: (99871) 150-01-27, e-mail: [info@mdomei.uz](mailto:info@mdomei.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил 02 24 кун тарқатилди.  
(2022 йил «02» 24 даги 4 - рақамли реестр баённомаси).



[Signature]  
К.Т.Олимов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

[Signature]  
Ш.С.Шарипова  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д. (PhD)  
доцент

[Signature]  
Ф.Р.Қазирова  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида масс-медиа ва ахборот технологиялари таъсирининг ўсиб бориши муносабати билан халқаро ҳамжамият инсонни ахборот муҳитида яшашга тайёрлаш, таълимни ахборотлаштириш шароитида тарбиячи-педагогларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш муаммолари юзасидан изланмоқда. Айтилиши мумкин, замонавий тарбиячи-педагогга ўз педагогик фаолиятини медианинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш ва ҳисобга олиш асосида ахборот оламидаги замонавий ўзгаришларга мос, аниқ ва тўғри ташкил этиш эҳтиёжини таркиб топтириш, медиасаводхонликни ошириш борасидаги муаммоларга амалий ечим топиш долзарблигича қолмоқда.

Дунёда мактабга таълим тизимини ривожлантиришда педагогик кадрлар медиакомпетентлигини шакллантиришнинг мақбул механизмларини ишлаб чиқиш, тарбиячи-педагогларнинг индивидуал ўзини ривожлантириш траекториясини лойиҳалаш, уларда медиа ва ахборот саводхонлигини ўзлаштириш эҳтиёжини таркиб топтиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш жараёнини малака ошириш ҳамда ахборот-таълим муҳити билан интегративлигини таъминлаш, тарбиячи-педагогларда мустақил медиабилимларни ўзлаштириш кўникма ва малакаларини, креативлик, янги медиавоситаларни ўзлаштиришга қобилиятлиликни ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожланганлик даражасини ташхислашга қаратилган методикаларни яратиш, медиакомпетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини асослашни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилган таълим соҳасидаги ислохотлар, жумладан, мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, унинг мақсад ва вазифалари, ўқув-тарбиявий фаолиятнинг асосий ғоялари, шунингдек, болани таълимнинг кейинги босқичига ўтишидаги асосий компетенцияларнинг тизимли ва изчил характерга эга бўлишига катта эътибор қаратилмоқда. «Болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса ўз навбатида, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш, уларнинг ахборот ва ОАВ билан ишлаш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонликларини таркиб топтириш, шунингдек, мактабгача таълим тизимининг интеграллашган мазмунига медиа ёндашувларни сингдиришни тақозо қилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б.39.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-595-сон «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида» қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармонлари, 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон «2017-2022 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 487-сон «Мактабгача таълим тизимида илғор ахборот ва педагогика технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 22 декабрдаги 802-сон «Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада мактабгача таълим соҳасини ривожлантиришга оид тадқиқотлар Ф.Р.Қодирова, Г.Э.Джанпейсова, Х.Нажмидинова<sup>2</sup>, Д.А.Абдурахимова, З.Азизова, Н.Ш.Абдуллаева, Г.А.Бердалиева, Г.М.Назирова, Н.И.Режаметова, И.И.Туйчиева, Н.Бегматова, С.С.Рахимова, М.М.Бердиева, Г.А.Гайназаровалар<sup>3</sup>; педагог кадрлар касбий компетентлиги ва медиакомпетентлигини ривожлантириш муаммоси бўйича Н.Муслимов, Х.Ш.Қодиров, Р.Исянов, М.М.Вахобов, С.Бекназарова, Я.Маматова, С.Сулайманова, С.С.Бабаджанов, М.Т.Хамдамова, С.З.Ташкенбаева, М.Н.Хушназаровалар таълимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, мультимедиа қўлланмаларини яратиш, замонавий янги авлод адабиётларини яратиш муаммолари Ф.М.Зокирова, У.Ш.Бегимкулов, Қ.Т.Олимов, А.Абдуқодиров, К.Т.Уматалиева, М.Мамаражабов, Н.Тайлаков, С.Турсунов, А.Эминов, У.Юлдашевларнинг илмий изланишларида янги авлод ўқув-методик материалларни яратиш ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш масалалари кенг ёритилган.

<sup>2</sup> Мактабгача ёшдаги болаларнинг элементар математик тасавурларини шакллантиришда мультимедиа технологияларидан фойдаланиш методикаси педагогика фанлари бўйича фан доктори (dsc) диссертацияси автореферати: Наманган-2021 йил

<sup>3</sup> Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари касбий компетентлигини ривожлантириш педагогика фанлари бўйича фан доктори (dsc) диссертацияси автореферати: Наманган-2021 йил

Педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш, шунингдек, медиатаълимни ташкил этишининг педагогик-психологик жиҳатлари, касбий ўзини-ўзи такомиллаштиришнинг концептуал масалалари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) олимларидан А.В.Фёдоров, Е.И.Худолеева, М.Штайгер, А.Вихерт, К.П.Тройманн, Н.Грёбенлар томонидан ўрганилган.

Бироқ малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячи-педагогларининг ахборот таълим муҳити шароитида медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг методик имкониятлари, ташкилий-дидактик модели, замонавий технологияларга асосланган методикаси ва уни амалиётга жорий этиш йўллари махсус тадқиқ этилмаган. Мазкур ҳолат малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришга доир илмий изланишлар олиб боришни тақозо этди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** ЮНИСЕФ ва Республика таълим марказининг 2019 йил 10 декабрда №591 рақам билан рўйхатга олинган «Умумий ўрта таълимнинг сифатини ошириш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг методик имкониятларини аниқлаштириш;

замонавий ёндашувлар асосида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик моделини такомиллаштириш;

мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг илғор педагогик технологияларга асосланган замонавий методикасини ишлаб чиқиш;

мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминотини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган малака ошириш жараёни белгилаб олиниб, тажриба-синов ишларида Тошкент ва Наманган вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар мактабгача таълим ташкилотларининг 632 нафар тарбиячи-педагоглари иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил

қилиш, педагогик кузатув, ижтимоий сўров, мутахассислар фаолиятининг қиёсий таҳлили, педагогик прогностика ва ташҳислаш, синтез, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг методик имкониятлари таълим жараёнига медиа тушунчаларни киритиш, ўз-ўзини касбий ривожлантириш компетенцияларнинг намоён бўлишини босқичма-босқич динамик ўзгарувчанлигининг тизим компонентлари билан бевосита интеграциясини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлиги ривожлантириш моделининг ташкилий-дидактик компоненти тизимли, фаолиятга доир, акмеологик мотивация ўз-ўзини йўналтириш билан медиа-ижодкорлигини тизимли бойитиб боришга доир материалларнинг амалий аҳамиятлилик даражасини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг методик усуллари мустақил малака оширишнинг вариатив ва аралаш таълимга асосланган адаптив шаклини кооперация ва коллаборацияли ўқитиш технологиялари билан интеграцияси таъсир даражасини медиа таълим билан мувофиқлашув имконияти узвийлигини кенгайтириш орқали такомиллаштирилган;

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг эвристик фаолиятга асосланган интегратив-модулли андрагогик таълимнинг тактик ва стратегик технологияларини мақсадли лойиҳалашга йўналтирилган диагностик, прогностик ва ташкилий фаолиятнинг ўзаро уйғунлигини ўз касбига нисбатан мотивларини барқарорлаштириш имкониятларини кенгайтириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари медиакомпетентлигини ривожлантиришга доир методик кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси тингловчилари учун «Болалар нутқини ўстириш» номли ўқув қўлланма чоп эттирилган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари учун «Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш» номли методик тавсиянома ишлаб чиқилган;

«Ғаройиб дунё» ва «Ижодкор болажонлар» номли электрон ахборот-таълим ресурслари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф



ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари касбий фаолиятга тайёрлашда медиакомпетентликни ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари аниқланганлиги, тарбиячи-педагогларнинг касбий компетентлигини шакллантириш ва шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонлари ҳамда касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича илмий методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда, тарбиячи-педагоглар медиакомпетентлигини самарали ривожлантиришда, мактабгача таълим тизимида медиавоситалар асосида машғулотларни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган методик тавсиялардан эса ўқув режа, фан дастурлари ҳамда малака талабларини такомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг методик имкониятларини аниқлаш, медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг методик имкониятлари таълим жараёнига медиа тушунчаларни жорий этиш ва медиатеchnологиялардан фойдаланишга оид таклиф ва тавсиялар асосида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси тингловчилари учун «Тарбиячининг касбий компетенцияси ва креативлиги» номли ўқув модули мактабгача таълим ташкилоти директор ва мутахассисларини малакасини ошириш ўқув курслари намунавий ўқув режасига киритилган ҳамда амалиётга жорий қилинган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 02-02/2-1548-сон маълумотномаси). Натижада, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик моделини такомиллаштириш, тарбиячи-педагоглар медиакомпетентлигини ривожлантириш методикасини креатив, ривожлантирувчи, модулли, адаптив технологияларни малака оширишнинг вариатив шакллари тизимли қўллаш, вебинар ва маҳорат дарсларини ҳамкорликда ташкил этишнинг жамоавий ижодий иш билан уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга доир таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 391-сонли қарори 1-иловаси билан тасдиқланган «Умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисида»ги Низом лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил

9 декабрдаги 02-02/2-1548-сон маълумотномаси). Натижада, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари учун ташкил этиладиган семинар-тренинглар сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини очик таълим медиа-маконида касбий маҳоратни ошириш тактикасини самарали қўллаш, мустақил таълим олиш усуллари доирасини кенгайтириш, инновацион фаолиятда юзага келадиган объектив ва субъектив тўсиқларни бартараф этиш орқали ривожлантиришга доир илмий-методик тавсиялардан мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг малака ошириш курси ўқув дастурлари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 02-02/2-1548-сон маълумотномаси). Натижада, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг ўқув-услугий ва ижтимоий педагогик фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**

Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан 1 та ўқув-методик қўлланма чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг матни 127 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларининг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот муаммосига доир илмий-назарий адабиётларнинг қиёсий таҳлили асосида мактабгача таълим ташкилоти (МТТ) тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари, компетенциявий ёндашувлари, таълимни модернизациялаш шароитида уларга қўйилаётган замонавий талаблар таҳлил

этилган ҳамда фаолият талаблари билан ўзаро интегратив алоқадорлиги ёритилган. Шунингдек, педагогларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш борасида жаҳон тажрибалари таҳлил қилинган.

Замонавий таълимнинг АКТ соҳасидаги асосий вазифаси – ёш авлодни ахборот муҳитида ҳаётга тайёрлаш, яъни турли хил маълумотларни идрок этиш, инсонга унинг таъсири оқибатларини англаш ва тушуниш, ахборот ва телекоммуникация технологиялари ёрдамида оғзаки бўлмаган алоқа шаклларига асосланган алоқа усулларини ўзлаштириш ва медиа дунёси замонавий ахборот воситаларини таълим-тарбия жараёнига мақсадли, пухта киритишдир.

Бугунги кунда медиа атроф-олами ўзлаштиришнинг мураккаб воситаси бўлиб, унинг мультимедия, интерактивлик, моделлаштириш, алоқавийлик ва самарадорлик каби ўзига хос хусусиятлари медианинг янги таълим функциялари ҳақида гапиришга имкон беради ва шу асосда таълим медиа-маҳсулотларини, таълимнинг ахборот технологияларини ишлаб чиқади.


Медиа таълим-тарбия жараёнининг мазмуни ва услубига тубдан ўзгаришлар киритади, мактабгача таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчилар томонидан ўз фаолиятини акс эттиришга, уни мустақил тартибга солишга йўналтирилган педагогик муаммоларни ечишга имкон беради. Медианинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш ва ҳисобга олиш замонавий тарбиячига ўз педагогик фаолиятини ахборот оламидаги замонавий ўзгаришларга мос равишда, замонавий мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчисининг янги ахборот эҳтиёжлари билан турли муаммоларни ҳал қилиш жараёнини аниқ ва тўғри ташкил этиш, ўз касбий малакасини ошириш жараёнида медиадан моҳирона фойдаланиш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарбиячи-педагогнинг медиакомпетентлиги унинг касбий компетентлигининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, чунки нафақат махсус билимларга эга бўлган, балки белгиланган йўналиш доирасида фаолиятни амалга оширишнинг барча усулларида фойдаланиб педагогик фаолиятни амалга ошириши ва ахборот ҳамда телекоммуникация технологияларини органик равишда ривожлантиришда ўз кўникмаларини такомиллаштириши керак.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, «тарбиячи-педагогнинг медиакомпетентлиги» – бу медиа-технологиялар воситаларидан фаол фойдаланган ҳолда самарали педагогик фаолиятни амалга оширишга имкон берадиган, очик таълим медиа-мақомида профессионал ўзини ўзи англаш ва ўзини ўзи янгилаш ҳақида хабардорликка қаратилган касбий лаёқатдир.

Тарбиячи-педагог медиакомпетентлигининг таркибий компонентининг кўрсаткичлари куйидагилардан иборат: медиа технологиялар моҳиятини, уларнинг жамиятдаги аҳамияти ва ўрнини билиш; медиатаълимнинг роли ва аҳамиятини англаш; медиа воситаларнинг таълим ва тарбиявий имкониятларини билиш; медиа воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотлари ва тарбиявий тадбирларни ташкил этиш усулларини билиш;

тарбиячи-педагогнинг касбий фаолиятида медиа воситалардан фойдаланишнинг педагогик мақсадга мувофиқлигини билиш; медиатаълимнинг асосий тушунчалари ва атамаларини билиш (1-расм).



**1-расм. Тарбиячи-педагог медиакомпетентлигининг таркибий компонентининг кўрсаткичлари**

МТТ тарбиячи-педагоглари медиаккомпетентлигини ривожлантириш мактабгача таълим-тарбия жараёнида қуйидагиларга имкон беради: медиаматнларни таҳлил қилиш, танқидий англаш ва уларни яратиш; медиаматнлар манбасини, уларнинг сиёсий, ижтимоий, тижорий ёки маданий манфаатларини, уларнинг контекстини аниқлаш; медиа томонидан тарқатилаётган медиаматнларни ва кадриятларни талқин қилиш; ўз шахсий медиаматнларини яратиш ва уларни тарқатиш учун ҳамда улардан манфаатдор бўладиган аудиторияга эга бўлиш учун мос ҳолдаги медиаларни танлаб олиш; ҳам англаш, ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш учун медиага эркин қира олиш имкониятини таъминлаб беради.

Диссертациянинг «**Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари медиаккомпетентлигини ривожлантиришнинг методик тизими**» деб номланган иккинчи бобда мактабгача таълим тизимида МТТ тарбиячи-педагоглари медиаккомпетентлигини ривожлантириш мазмуни ёритилган. Малака ошириш жараёнида тарбиячи-педагоглар

медиакомпетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилган ва тарбиячи-педагоглар медиакомпетентлигини ривожлантириш даражасининг диагностикаси баён қилинган.

Ушбу бобда МТТ тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришда семинар-тренинг машғулотларидан фойдаланиш имкониятлари асосланган бўлиб, семинар-тренингларни ўтказишда дастлаб «Замонавий дунёда медиа ва медиатаълимнинг ўрни ва роли» мавзуси бўйича медианинг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақида қисқача маълумот берилиши, ижтимоий-маданий вазиятнинг медиатаълим ривожланишига таъсири, медиатаълимнинг педагогиканинг бошқа йўналишлари ва гуманитар фанлар билан алоқаси кўрсатилган.

«Медиатаълим», «медиясаводхонлик», «медиамаданият», «медиапедагогика», «медиакомпетентлик», «медиатехнологиялар», «медиамаатнлар», «медиаидрок» тушунчаларининг моҳияти очиқ берилган. Медиа-таълимнинг: ҳимоя (олдини олувчи) назарияси, мафкуравий назария, маданиятшунослик назарияси, семиотик назария, танқидий фикрлашни ривожлантириш назарияси, амалий назария, эстетик назария, ижтимоий-маданий назариялари батафсил очиқ берилиб, уларнинг турли мамлакатларнинг педагогик концепцияларидаги таъсири ва тарқалиши таҳлил этилган.

Методик тизим характери ва унинг ишлаш белгиларини инобатга олган ҳолда, малака ошириш шароитида тарбиячи-педагогларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди, унинг схематик тасвири, шунингдек, турли хил элементларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсири 2-расмдагидек ифодаланди.

Ҳар қандай моделни яратишнинг энг муҳим вазифаси ўрганилаётган ходиса ва жараёнларнинг туб моҳиятини аниқлаш, яъни тизим ёндашуви нуктаи назаридан қарашдир. Моделлар, одатда, воқеликка дедуктив ёндашишга, абстрактдан конкретга кўтарилиш тамойили ва усулларига асосланади. Бундай йўл ўрганилаётган ходисалар ва жараёнларнинг туб моҳиятини ва сифат жиҳатдан аниқлигини акс эттирадиган, идеаллаштирилган, абстракт-назарий билиш объектини шакллантиришни талаб қилади. Малака ошириш жараёнида тарбиячи-педагогларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш модели тизимли, фаолиятга асосланган, шахсий ва компетентлик ёндашуви асосида қурилади.

Малака ошириш жараёнида МТТ тарбиячи- педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш моделининг педагогик шартларини аниқлаш учун қуйидаги йўллар кўрсатилди: талабларни аниқлаш; тарбиячи-педагогнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш жараёнида тизимли, шахсий, компетентли ва фаолиятга асосланган ёндашувларнинг имкониятлари ва талабларидан фойдаланиш.



**2-расм. Малака ошириш жараёнида тарбиячи-педагоглар медиакомпетентлигини ривожлантириш модели**

Натижада қуйидаги педагогик шарт-шароитлар комплекси аниқланди ва асосланди: малака оширишдаги ўқув жараёни медиатеологиялар ва уларнинг усулларидан фаол фойдаланишга қаратилган; медиатеологиялар тўғридан-тўғри малака оширишнинг ўқув жараёнига киритилган; тарбиячи-педагогларнинг ўқув таркибига «Тарбиячи-педагогларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш» махсус курсини киритиш; тарбиячилар билан ишлашнинг коллектив, гуруҳли ва индивидуал шакллари билан мақбул уйғунлиги; таълимнинг барча босқичлари (тарбиячиларнинг назарий ва амалий тайёргарлиги) ўтказилишининг узлуксизлиги, изчиллиги ва кетма-кетлиги; ўқув жараёни субъектларининг медиа воситалари ва технологиялари ёрдамида ўзаро алоқаси тарбиячи шахсининг медиакомпетентлигини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган касбий мулоқотнинг янги усули бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг моделimizнинг мезонли-даражали компоненти қуйидаги таркибий қисмлар билан ифодаланади: психологик ва педагогик диагностика, мониторинг, мезонлар, тарбиячи-педагогнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш кўрсаткичлари ва даражаси, шунингдек, тарбиячи-педагогнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш жараёнининг асосий кўрсаткичи сифатидаги якуний натижа.

Тарбиячи-педагогларнинг ўқув эҳтиёжлари ва қобилиятларини аниқлаш учун чуқур диагностика ишлари талаб этилади. Ушбу тоифадаги дарс чуқур психологик ва педагогик текширув натижаларига асосланган ҳолда самарали бўлади. Бунинг учун психологик ва педагогик диагностикани, яъни малака ошириш шароитида тарбиячи-педагогларнинг психологик ва педагогик хусусиятларини баҳолаш, ўлчаш, таснифлаш усулларини қўллаш керак.

Тарбиячи- педагогларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш даражаси диагностикаси тажриба-экспериментал ишларнинг турли босқичларида ўтказилди. Медиакомпетенцияни ташхислашда биз бешта ўзаро боғлиқ босқични аниқладик ва тажриба-экспериментал ишда мослаштирдик (1-жадвал). Шунинг таъкидлашни истардикки, амалга оширилган диагностика босқичлари вақт ва бажарилган ишлар ҳажми бўйича ҳам бир хил таркибли ва бир хил турли эмас. Шунинг учун диагностика нафақат ўрганилаётган объектнинг ҳолати ҳақидаги саволларга жавоб олишнинг усули (бизнинг ҳолатимизда тарбиячи-педагогнинг медиакомпетентлиги), балки объектив педагогик воқеликка муносиб ва ўз вақтида жавоб беришга ва тузатишга ёрдам берадиган усулдир.

Ўрганилаётган ҳодиса ҳақидаги назарий хулосаларимиз ва тасаввурларимизнинг аниқ шаклга эга бўлиши учун тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг жуда аниқ ўлчовлари талаб қилинади, бизнинг тадқиқотимизда бу тарбиячи-педагог медиакомпетентлигининг мезонлари ва кўрсаткичларидир. Шундай қилиб, жуда аниқ ўлчовларни (кўрсаткичларни) қўллаш тадқиқотда бутунлай бошқача даражага ўтишга имкон беради, яъни назарий хулосалардан аниқ амалий умумлашмаларгача.

Ўрганилаётган ҳодисанинг мезонлари ва кўрсаткичларини танлашни тавсифлаш ва асослашга катта эътибор бериб, шунинг таъкидламоқчимизки,

биз аниқ тасаввурсиз диагностика ўтказа олмаймиз ва шу сабабли тарбиячи-педагогнинг медиакомпетентлигининг муайян ривожланиш даражаси тўғрисида хулоса чиқара олмаймиз.

### 1-жадвал

#### Тарбиячи-педагогнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш босқичлари диагностикаси

Педагогик диагностика босқичлари	Тарбиячи-педагогни ривожлантириш диагностикаси	Тажриба-синов ишлари босқичлари
1-босқич. Диагностика объекти, мақсади ва вазифаларини аниқлаш	Медиакомпетентликни диагностика қилиш дастурини тузиш	Тажриба-синов ишларига тайёргарлик
2-босқич. Медиакомпетентлик даражалари, мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш	Асосий мезонлар ва кўрсаткичларни аниқлаб, унинг асосий таркибий қисмлари ва элементларини аниқлаш мақсадида тарбиячи-педагог шахсининг медиакомпетенцияси муаммосини ўрганиш	Тажриба-синов ишларига тайёргарлик
3-босқич. Қўйилган диагностика вазифаларини ҳал этиш учун методлар танлаш	Мақбул диагностика методларини танлаш	Тажриба-синов ишларига тайёргарлик
	Биринчи диагностик босқични ўтказиш дастлабки ривожланиш даражасини аниқлашга имкон беради.	Аниқловчи тажриба-синов
4-босқич. Диагностика методлари тўғрисида ахборот тўплаш	Шакллантирувчи тажриба-синовдан сўнг медиакомпетенциясининг ривожланиш даражасини аниқлашга имкон берадиган диагностиканинг иккинчи босқичини ўтказиш.	Шакллантирувчи тажриба-синов
5-босқич. Натижаларга ишлов бериш	Диагностика натижаларини акс эттириш	Назорат тажриба-синов

Тарбиячи-педагогнинг медиакомпетентлигини диагностика қилиш учун турли диагностика усуллари белгиланди ва синовдан ўтказилди. Тадқиқот ишида тарбиячи-педагоглар медиакомпетентлигини ривожлантириш даражасини ўрганиш учун 2-жадвалда кўрсатилган қуйидаги диагностика усулларидан фойдаланилган.



**Тарбиячи-педагогларнинг медиакомпетентлигини аниқлаш  
усуллари**

№	Медиакомпетентлик компонентлари	Тадқиқот методлари	Тадқиқот фаолияти мазмуни
1.	Мотивацион-қадриятли	Сўровнома, ўз-ўзини таҳлил қилиш, эксперт баҳоси	«Кириш» ва «Чиқиш» натижаларини таққослаш таҳлили
2.	Мазмуний	Эксперт баҳоси, тест, муаммоли вазият, кузатиш	Тарбиячи-педагогнинг ўз-ўзини таҳлил қилиши. «Кириш» ва «Чиқиш» натижаларини таққослаш таҳлили
3.	Процессуал	Эксперт баҳоси, сўровнома, кузатиш	Тарбиячи-педагогнинг ўз-ўзини таҳлил қилиши. «Кириш» ва «Чиқиш» натижаларини таққослаш таҳлили

Медиакомпетентлик даражасини аниқлайдиган сўровномадаги саволларга берилган жавобларни ўрганиш, тарбиячи-педагогларнинг аксарияти кундалик ва касбий фаолиятда ахборотнинг аҳамияти тўғрисида хабардор, деган хулосага келишга имкон беради, аммо улар ўзларининг бу йўналишда компетенция даражасини оширишни хоҳлашларига қарамай, медиа технологияларни ўзлаштириш зарурлигини етарлича англашмайди.

Сўровнома билан бир қаторда хулқ-атворни кузатиш педагогик диагностиканинг асосий усули ҳисобланади. Тадқиқотда ушбу усул бошқалар қатори биз аниқлаган тарбиячи-педагогнинг медиакомпетентлигининг барча таркибий қисмларини ташхислаш учун қайд этувчи ва шакллантириш тажрибалари давомида қўлланилган.

Медиакомпетентлик даражасини ўрганадиган сўровномадаги саволларга берилган жавобларни ўрганиш, тарбиячиларнинг аксарияти кундалик ва касбий фаолиятда ахборотнинг аҳамияти тўғрисида хабардор, деган хулосага келишга имкон беради, аммо улар ўзларининг бу йўналишда компетенция даражасини оширишни хоҳлашларига қарамай, медиатеكنولوجياларни ўзлаштириш зарурлигини етарлича англашмайди.

Таъкидлаш жоизки, эксперт баҳолашлари фикрлашни миқдорий баҳолаш ва натижаларни расмий қайта ишлаш билан амалга ошириладиган, қарорни тайёрлаш учун мутахассислар томонидан амалга ошириладиган муаммони интуитив-мантикий таҳлил қилиш усулидир. Биз ўз ишимизда имкон қадар ушбу талабларни ҳисобга олишга ва бажаришга ҳаракат қилдик.

Диссертациянинг «**Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари медиакомпетентлигини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари ва таҳлили**» деб номланган учинчи бобида тарбиячи-педагоглар медиакомпетентлигини ривожлантиришга доир педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни ва уни ташкил этиш методикаси, ташкил

этиш босқичлари ва тарбиячи-педагоглар медиакомпетентлигини ривожлантиришга доир педагогик тажриба-синов ишларининг натижалари таҳлили ёритиб берилган.

Педагогик тажриба-синов ишлари ташкил этиш – амалга ошириш – қайд қилиш - шарҳлаш блокларида Тошкент шаҳар, Тошкент ва Наманган вилоятлари мактабгача таълим бўлимларида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари, мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти тингловчиларини жалб қилган ҳолда ўтказилди.

Тадқиқот майдончаларида тажриба-синов ишлари 2018-2020 йиллар давомида олиб борилди.

### 3-жадвал

#### Тарбиячи-педагоглар медиакомпетентлигини баҳолаш бўйича ўтказилган назорат турлари

Баҳолаш турлари	Ажратилган умумий бали	Баҳолаш мезони		
		Юқори	Ўрта	Паст
Медиабилим ва уни мактабгача таълим-тарбия жараёнида қўллаш даражаси аниқлаш бўйича тест ва амалий топшириқлар	30	25-30	19-24	12-18
Мактабгача таълим-тарбия жараёнига оид ахборотлар медиа таҳлилинини ўткази олиш ва улардан фойдаланиш бўйича назорат	40	32-30	24-31	18-23
Мактабгача таълим-тарбия жараёнида медиакреатив имкониятларини қўллаш олиш бўйича муаммоли топшириқлар	30	25-30	19-24	12-18
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>80-100</b>	<b>58-79</b>	<b>42-59</b>

Тарбиячи-педагоглар медиакомпетентлигини аниқлаш бўйича ўтказилган назорат натижалари математик-статистика усуллари асосида қайта ишланди. Педагогик тажриба-синов натижаларини қайта ишлашда Стьюдент методидан фойдаланилди.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача қиймат:

$$\bar{X}_T = \frac{1}{328} [109 \cdot 5 + 171 \cdot 4 + 48 \cdot 3] = \frac{1}{328} (545 + 684 + 144) = \frac{1373}{328} = 4,19$$

$$\bar{X}_H = \frac{1}{304} [47 \cdot 5 + 95 \cdot 4 + 162 \cdot 3] = \frac{1}{304} (235 + 380 + 486) = \frac{1101}{304} = 3,62$$

Самардорлик коэффициенти:

$$\eta = \frac{4,19}{3,62} = 1,16$$

Тажриба-синов ва назорат гуруҳларидаги танланма дисперсия ва стандарт хатолик қийматларини ҳисоблайлик.

$$S_T^2 = \frac{1}{328} [109 \cdot (5 - 4,19)^2 + 171 \cdot (4 - 4,19)^2 + 48 \cdot (3 - 4,19)^2] = 0,44$$

$$S_T = \sqrt{0,44} = 0,67$$

$$S_H^2 = \frac{1}{304} [47 \cdot (5 - 3,62)^2 + 95 \cdot (4 - 3,62)^2 + 162 \cdot (3 - 3,62)^2] = 0,55$$

$$S_H = \sqrt{0,55} = 0,74$$

Аниқланиш кўрсаткичлари

$$C_S^T = \frac{0,67}{\sqrt{328} \cdot 4,19} \cdot 100\% = 0,88\%$$


$$C_S^H = \frac{0,74}{\sqrt{304} \cdot 3,62} \cdot 100\% = 1,17\%$$

$$\bar{x}_T - \frac{t \cdot S_T}{\sqrt{N_T}} = 4,19 - \frac{1,96 \cdot 0,67}{\sqrt{328}} = 4,12$$

$$\bar{x}_T + \frac{t \cdot S_T}{\sqrt{N_T}} = 4,19 + \frac{1,96 \cdot 0,67}{\sqrt{328}} = 4,26$$

$$\bar{x}_H - \frac{t \cdot S_H}{\sqrt{N_H}} = 3,62 - \frac{1,96}{\sqrt{304}} \cdot 0,74 = 3,54$$

$$\bar{x}_H + \frac{t \cdot S_H}{\sqrt{N_H}} = 3,62 + \frac{1,96}{\sqrt{304}} \cdot 0,74 = 3,70$$



**3-расм. Тошкент ва Наманган вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлик бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари**

Статистик қийматни ва Стьюдент критерияси озодлик даражасини ҳисоблаймиз.

$$T = \frac{4,19 - 3,62}{\sqrt{\frac{0,14}{328} + \frac{0,16}{304}}} = 19,0$$
$$K = 328 + 304 - 2 = 630$$
$$t_{0,95}(630) = 1,96$$

Демак, олиб борилган ҳисоб китобларга кўра:

$T = 19,0 > T_{0,95}(630) = 1,96$  бўлгани учун  $H_0$  гипотезани қабул қилишга асос йўқ, шунинг учун  $H_1$  гипотеза қабул қилинади.

Ушбу олинган натижалар ва амалга оширилган ҳисоб-китоблар ҳамда диаграммадаги кўрсаткичлардан аниқланадики, педагогик тажриба-синов ишларидаги натижаларнинг 17 %га самарадорлиги математик-статистика усуллари орқали ўз тасдиғини топди.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган илмий таҳлиллар, тақдим этилган методик ишланмалар ва тавсияларни умумлаштирган ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини баҳолаган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Кўплаб адабиётлар таҳлили натижаларидан келиб чиққан ҳолда, биз «тарбиячи-педагогнинг медиакомпетентлиги» тушунчасини тавсифладик, бу шахсий таълим сифатида медиатехнологиялар воситаларидан фаол фойдаланган ҳолда самарали педагогик фаолиятни амалга оширишга имкон беради.

2. Медиа асосида ўқув ва тарбиявий фаолиятнинг мазмуни, усуллари ва услубини танлаш кўникмаси; медиа воситалари асосида таълим ва тарбия мазмунининг ўзгарувчанлигини таъминлаш; медиа воситалари асосида таълим олувчининг субъект позициясини бошқариш кўникмаси; медиа орқали ўқув маълумотларини олиш ва тақдим этиш кўникмаси; медиаахборотлар оқимини педагогик жиҳатдан оқилona бошқариш кўникмаси; ўқув медиа маҳсулотларини яратиш кўникмаси ривожлантиради.

3. Медиа таълим-тарбия жараёнининг мазмуни ва услубига тубдан ўзгаришлар киритади, мактабгача таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчилар томонидан ўз фаолиятини акс эттиришга, уни мустақил тартибга солишга йўналтирилган педагогик муаммоларни ечишга имкон беради. Медианинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш ва ҳисобга олиш замонавий тарбиячи-педагогга ўз педагогик фаолиятини ахборот оламидаги ўзгаришларга мос равишда, замонавий мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчисининг янги ахборот эҳтиёжлари билан турли муаммоларни

ҳал қилиш жараёнини аниқ ва тўғри ташкил этиш, ўз касбий малакасини ошириш жараёнида медиадан моҳирона фойдаланиш имконини беради.

4. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогининг медиакомпетентлиги унинг касбий компетентлигининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, чунки тарбиячи-педагог нафақат махсус билимларга эга бўлиши, балки таълим-тарбия жараёнини амалга оширишда замонавий ахборот коммуникация технологияларини ҳам қўллаш олиши малакаларини шакллантириш.

5. Ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларини математик-статистик усуллар ёрдамида қайта ишлаш асосида тадқиқотда илгари сурилган ғояларнинг мақсадга мувофиқ қўйилганлиги асосланди ва экспериментал гуруҳ тарбиячи-педагогларнинг медиакомпетентлиги назорат гуруҳи тарбиячи-педагогларга нисбатан 17 %га юқорилиги исботланди.

Олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш бўйича қуйидаги илмий-методик **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятга амалий-услубий жиҳатдан эътибор қаратиш ва тарбиячи-педагогларнинг медиакомпетенциявий ёндашув асосида фаолият олиб бориш имкониятлари қамровини кенгайтириш;

2. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячи-педагогларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишда илғор педагогик тажрибага эга бўлган ижодкор, ташаббускор, фидойи, интилувчан ва изланувчан педагог-тарбиячилар тажрибасини оммалаштириш, мустақил таълим, қисқа муддатли ва сайёр малака ошириш жараёнларини тизимли ташкил этиш;

3. Педагогик кенгаш ва унинг тузилмалари фаолиятини ташкил этиш асосида узлуксиз таълим жараёнлари фаолиятини мувофиқлаштириш, унда тарбиячи-педагогларнинг медиакомпетентлигини такомиллаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда инновацион машғулот ишланмаларини таълим-тарбия жараёнларига кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш;

4. Инновацион машғулот ишланмаларини яратишда тажрибали ва фаол мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогларини кенг жалб қилиш ҳамда уларни молиявий ва бошқа турдаги рағбатлантиришларни ташкил этиш кабилар.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 ВЫДАЮЩИЙ  
УЧЕННЫЕ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕРЕПОДГОТОВКИ И  
ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ДИРЕКТОРОВ И  
СПЕЦИАЛИСТОВ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ  
ОРГАНИЗАЦИЙ**

---

**ИНСТИТУТ ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ  
КВАЛИФИКАЦИИ ДИРЕКТОРОВ И СПЕЦИАЛИСТОВ  
ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ**

**МУМИНОВА НАРГИЗА САБИТДЖАНОВНА**

**РАЗВИТИЕ МЕДИАКОМПЕТЕНТНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ  
ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ПРОЦЕССЕ ПОВЫШЕНИЯ  
КВАЛИФИКАЦИИ**

**13.00.08 – Теория и методика дошкольного образования и воспитания**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.3. PhD/Ped1725.

Докторская диссертация выполнена в Институте переподготовки и повышения квалификации директоров и специалистов организаций дошкольного образования.

Автореферат диссертации размещен на веб-сайте Научного совета ([www.mdotoi.uz](http://www.mdotoi.uz)) и в портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) на трех языках (на узбекском, русском и английском (резюме)).

Научный руководитель:	Абдуназарова Наргиза Фатхулловна кандидат педагогических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Мажидова Раъно Уришевна доктор филологических наук, (DSc) профессор Назирова Гузал Маликовна доктор философии по педагогическим наукам (PhD), доцент
Ведущая организация:	Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится 9 марта 2022 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета №PhD 12/30 12.2019 Ped 80 01 выдающего ученые степени в Институте переподготовки и повышения квалификации директоров и специалистов организаций дошкольного образования (Адрес: 100011, г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Юсуф Хос Хожиб, дом 64. Тел.: (99871) 207-04-08, факс: (99871) 150-01-27, e-mail: [info@mdotoi.uz](mailto:info@mdotoi.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института переподготовки и повышения квалификации директоров и специалистов организаций дошкольного образования (зарегистрирован номером № 21). Адрес: 100011, г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Юсуф Хос Хожиб, дом 64. Тел.: (99871) 150-01-27, факс: (99871) 150-01-27, e-mail: [info@mdotoi.uz](mailto:info@mdotoi.uz)

Автореферат диссертации разослан 24 февраля 2022 года  
(реестр протокола рассылки № 4 от 24 февраля 2022 года)



**К.Т.Олимов**  
председатель Научного совета  
выдающего ученые степени, д.и.н.,  
профессор

**Ш.С.Шарипова**  
научный секретарь Научного совета  
выдающего ученые степени, (PhD),  
доцент

**Ф.Р.Кадирова**  
председатель научного семинара при  
Научном совете выдающем научные  
степени, д.и.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В связи с ростом влияния масс-медиа и информационных технологий в мировом масштабе международное сообщество осуществляет изыскания по проблемам подготовки человека к жизни в информационной среде, развитию медиакомпетентности воспитателей-педагогов в условиях информатизации образования. В то же время остается актуальным поиск практических решений проблем формирования у современного педагога-воспитателя соответствующей современным изменениям в информационном мире, конкретной и правильной организации своей педагогической деятельности на основе понимания и учета специфических особенностей медиа, а также повышения медиаграмотности.

В мире в области развития системы дошкольного образования осуществляется ряд научных изысканий по разработке приемлемых механизмов формирования медиакомпетентности педагогических кадров, проектированию траектории развития индивидуального саморазвития воспитателей-педагогов, формированию у них потребности в усвоении медиа и информационной грамотности. Важное значение приобретают обеспечение интегративности процесса развития медиакомпетентности воспитателей-педагогов дошкольных образовательных организаций с повышением квалификации и информационно-образовательной средой, совершенствование дидактических условий развития у педагогов-воспитателей способности к усвоению навыков и умений самостоятельного овладения медиа знаниями, креативностью, усвоению новых медиа средств. В этом процессе требуется создание методик, направленных на диагностику уровня развития медиакомпетентности воспитателей-педагогов дошкольной образовательной организации, обоснование педагогических условий развития медиакомпетентности.

В нашей стране уделяется большое внимание осуществлению реформ в сфере образования, в том числе развитию дошкольного образования, его целям и задачам, основным идеям учебно-воспитательной деятельности, а также системному и последовательному характеру основных компетенций ребенка при его переходе на следующую ступень образования. Определены такие важные задачи как «Коренное улучшение условий для всестороннего интеллектуального, эстетического и физического развития детей, значительное увеличение охвата детей дошкольным образованием и предоставление возможностей использования, совершенствования уровня квалификации преподавателей и специалистов»<sup>4</sup>. Это, в свою очередь, предусматривает развитие медиакомпетентности воспитателей-педагогов дошкольного образовательного учреждения, формирование их правовой грамотности в сфере работы с информацией и СМИ, а также внедрение медиа подходов в интегрированное содержание системы дошкольного образования.

---

<sup>4</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Ташкент, 2017. – С. 39.



Данная диссертация в определенной мере служит выполнению задач, поставленных Законом Республики Узбекистан ЗРУ-595 «О дошкольном образовании и воспитании» от 16 декабря 2019 года, определенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, УП-6097 «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года» от 29 октября 2020 года, ПП-2707 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы дошкольного образования в 2017-2022 годах» от 29 декабря 2016 года, ПП-4312 «Об утверждении Концепции развития дошкольного образования в Республике Узбекистан до 2030 года» от 8 мая 2019 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №487 «О мерах по внедрению передовых информационных и педагогических технологий в дошкольное образование» от 11 июня 2019 года, №802 «Об утверждении государственных стандартов дошкольного образования» от 22 декабря 2020 года и других нормативно-правовых актов, относящихся к этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

**Степень изученности проблемы.** Исследования по развитию дошкольного образования в нашей стране проводились такими учеными, как Ф.Р.Кадыровой, Г.Э.Джанпеисовой, Х.Нажмидиновой<sup>5</sup>, Д.А.Абдурахимовой, З.Азизовой, Н.Ш.Абдуллаевой, Г.А.Бердалиевой, Г.М.Назировой, Н.И.Режаметовой, И.И.Туйчиевой, Н.Бегматовой, С.С.Рахимовой, М.М.Бердиевой, Г.А.Гайназаровы<sup>6</sup>; Н.Муслимов, Х.Ш.Кадыров, Р.Исянов, С.Бекназарова, Я.Маматова, С.Сулайманова, С.С.Бабаджанов, М.Т.Хамдамова, М.Н.Хушназарова; были изучены вопросы по использованию современных информационных и коммуникационных технологий в образовании, созданию мультимедийных пособий и современной литературы нового поколения такими учеными, как А.Абдукодиров, К.Т.Олимов, У.Ш.Бегимкуловой, А.Пардаев, М.Мамараджабов, Н.Тайлаков, С.Турсунов, У. Юлдашев, Ф.Закирова, А.Эминовой.

Вопросы по развитию медиакомпетентности педагогов, а также педагогическим и психологическим аспектам организации медиаобразования, концептуальные вопросы профессионального самосовершенствования были изучены такими учеными СНГ, как А.В.Фёдоров, Е.И.Худолева, М.Штайгер, А.Вихерт, К.П.Тройманн, У.Зандер, А.Милютина, А.Веряев, В.Протопопова, Е.Никитина, И.Фатеева, Г.Онкович,

